



ИНСОН МАНФААТИ, ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ҲАЁТИМИЗНИНГ ЯНАДА ЭРКИН ВА ОБОД БЎЛИШИГА ЭРИШИШ — БИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗДИР

Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Қадрли дўстлар!
Мухтарам меҳмонлар!
Авалло, сиз азизлар билан мана шу гўзал ва мухташам саройда учрашиб турганимдан, шу фурсатдан фойдаланиб, барчангизга чуқур хурматимни билдириш, сихат-саломатлик, бардамлик, тинчлик-омонлик тилашдан бахтиёрман.

Бугун биз Ўзбекистонимизнинг янги тарихидаги қутлуғ сана — халқимиз учун мустақил тараққиёт йўлини белгилаб, миллий давлатчилик, янги сиёсий-ижтимоий тизим барпо этиш, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг ҳуқуқий пойдеворини яратиб берган Конституцияимизнинг 20 йиллигини байрам қилмоқдамиз.

Ана шу улуг айём билан сизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ўзбекистонимизнинг мустақил тараққиёт йилларида эришган барча-барча ютуқ ва марралари, унинг улкан суръатлар билан ўсиши аввало Конституцияимизнинг ҳаётбахш қудрати ва салоҳиятини, унда мужассам бўлган принциплар, қоида ва нормаларнинг нақадар чуқур ўйлангани, ҳар томонлама мустаҳкам асосга эга эканини яққол намойён этади.

Тарихан қисқа бир даврда ҳаётимизда бўлаётган кескин ўзгаришлар ва янгилашниларни чуқур англаш, тасаввур этиш учун биз кеча ким эдинг-у, бугун ким бўлдиқ, деган табиий саволни бериш ўринли деб биламан.

Ҳеч кимга сир эмас, собиқ Иттифоқ таркибида Ўзбекистон ўз салоҳияти ва аҳолисининг ҳаёт даражаси бўйича энг қолоқ республикалардан бири бўлиб, бугунги кунда демократик янгилашни ва тараққиёт йўлидан қатъий қадамлар босиб бораётган, куч-қудрати тобора юксалиб, замонавий қўлқармоқли иқтисодиётга эга бўлган, ўз халқининг фаровонлигини оширишга қодир мамлакатга айланиб бораётгани мисолида бу фикрнинг яққол тасдиғини кўриш мумкин.

Ўтган даврда бизнинг қандай оғир қийинчиликлар, муаммо, таҳдид ва синовларни енгиб ўтишимизга тўғри келгани ҳаммамизга яхши маълум. Лекин буларнинг барчасига қарама-дан, Ўзбекистон иқтисодиёти йигирма йил давомида 3,5 баробардан зиёд ўсди.

Агарки, шу даврда мамлакатимиз аҳолиси қарийб 9 миллион кишига кўпайиб, 30 миллионга яқинлашиб бораётганини инобатга оладиган бўлсак, ўтган вақт мобайнида ялли ички маҳсулотнинг ҳажми бошига 2,5 баробар ошганининг ўзи кўп нарсадан далолат беради.

Бу ҳақда сўз борганда, 2008 йилдан буён давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистонда 2008-2012 йилларда, яъни охириги беш йилда ялли ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати дунёдаги санокли давлатлар қаторида 8,2 фоиздан кам бўлмаган даражани ташкил этгани, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлиги ва мутаносиблиги, давлат бюджетини ва тўлов балансининг профицит билини бажарилиши, экспорт ва олтин-валюта захираларининг кўпайиши таъминланаётганини айтишнинг ўзи кифоя.

Осиё тараққиёт банкининг маълумотлари бўйича, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари кейинги уч йилда 3 баробар кўпайган.

Айни шу йўлда, шу мақсадларга эришишда Конституцияимизда мустаҳкамлаб қўйилган тамойил ва нормалар, шунингдек, биз танлаган ва бугун дунёда эътироф этилган, «ўзбек модели» деб ном олган тараққиёт модели мужассам топган.

Шулар ҳақида гапирганда, авваламбор, тадрижий тараққиёт концепциясини амалга ошириш, иқтисодиётни мафкурадан холи бўлиши, демократик ислохотларни босқичма-босқич жорий қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи сифатидаги ролини тан олиш ва ўтиш даврида унинг таъсирини ошириш, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат юритиш каби принципларни кўзда тутишимиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, таъкидлаш кераки, ҳар қандай демократик тизим негизда ётган — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд-ҳуқуқ тармоқларининг вазифа ва ваколатларини аниқ белгилаб қўйиш, уларнинг манфаатлар мувозаанатини ва бир-бирини тийиб туришини таъминлаш, сиёсий партиялар ролини кучайтириш тамойилларига асосланган **сиёсий тизимни шакллантириш бўйича пухта ўйланган, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган ислохотларнинг таъсирини кўрамиз.**

Бу — собиқ совет давридаги марказлашган режали-тақсимот тизимидан воз кечиб ва бозор иқтисодиётининг бутун дунёда қабул қилинган тамойилларига ўтиш, Ўзбекистонда стратегик тараққиётнинг энг муҳим устувор йўналиши сифатида **хусусий мулкнинг дахлсизлигини мустаҳкамлаш** демакдир.

Бу — айни пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тез ва жадал ривожланишини таъминлаш, шу асосда бугунги кунда жамиятнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи қатлами, ижтимоий-сиёсий барқарорлик қафолати, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш ҳамда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлайдиган ўрта синф — **яъни мулкдорлар синфини шакллантириш натижаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.**

Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг шиддат билан ўсиб, тобора ривожланиб бораётган мамлакатга, инсон, унинг ҳуқуқлари, манфаат ва эркинликларини ҳақиқий қадрият деб биладиган демократик, ижтимоий-сиёсий ва фуқаролик институтларига эга бўлган мустақил ва суверен давлатга айланишини таъминлаб берган **яна кўплаб хал қилувчи омилларни мисол қилиб келтириш мумкин.**

Шу билан бирга, барчамиз яхши тушунамиз: демократлаштириш ва либераллаштириш, биз учун принципал жиҳатдан мутлақо янги бўлган давлатни шакллантириш — **бу бир-икки йилда хал этиладиган вазифа эмас, балки муайян муддат билан чегараланиб қолмайдиган узок ва улуксиз жараён эканини яхши англаймиз, албатта.**

Шу маънода, 2010 йил ноябрь ойида қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистон мустақиллигининг биринчи кунларидан бошланган **демократик янгилашни ва модернизация жараёнларининг мантикий ва қонуний давомидир, десак, ҳар томонлама тўри бўлади.**

Ислохотларни босқичма-босқич, изчиллик ва тадрижий ривожланишнинг давомилиги асосида амалга ошириш тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, мазкур Концепция, ўз муҳияти эътиборига кўра, дунёда туб ўзгаришлар юз бераётган ҳозирги замонда ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга оширишнинг **узок муддатга мўлжалланган миллий стратегиясидир.**

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган йилларида тўплаган оз бўлса-да, лекин ғоят мазмунли тажрибамиз бир ҳақиқатни тақдир, амбициялар ва сохта обрў топиш учун сунъий равишда тезлаштириш, ўз хоҳишини амалдаги ҳақиқат деб кўрсатишга уриниш одатда тескари натижага олиб келади ва буни кўплаб мисолларда кўриш қийин эмас.

Концепцияда кўзда тутилган 50 дан зиёд қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш дастури бўйича бугунги кунга қадар мамлакатимиз Парламенти томонидан 12 та қонун қабул қилинди, 30 дан ортиқ қонун лойиҳаси эса кенг жамоатчилик, жумладан, хорижий эксперт ташкилотларни жалб этган ҳолда кўриб чиқиш ва муҳокама этиш босқичида турибди.

Шулар қаторида 2011 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (78, 80, 93, 96, 98-моддалар) ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасидаги ғоят муҳим қадам бўлди.

Мазкур қонун Президент — Давлат бошлиғи билан қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари ўртасида янада мутаносиб конституциявий ваколатлар тақсимотини таъминлашга қаратилган бўлиб, унда, шунингдек, Бош вазирга ишончсизлик вотуми билдириш институти жорий этилган, айрим ваколатлар Президентдан Сенатга — Парламентимизнинг юқори палатасига ва мамлакатимиз Вазирлар Маҳкамасига берилган, маҳаллий кенгашларнинг ваколатлари сезиларли равишда кенгайтирилган.

(Давоми 2, 3-бетларда.)

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз Ислон Каримов 7 декабрь куни Оқсаройда бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди

■ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ФАРМОНЛАРИГА МУВОФИҚ ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИГА КАТТА ҲИССА КЎШГАН, ДАВЛАТИМИЗ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ, ЭЛ-ЮРТИМИЗ ТИНЧЛИГИ ВА ОСОЙИШТАЛИГИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШДА ЎРНАК ВА НАМУНА КЎРСАТГАН, ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ, ИЛМИЙ-ТЕХНИК ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ҲАЁТИДА АЛОҲИДА ЭЪТИБОРГА САЗОВОР БЎЛГАН БИР ГУРУҲ ЮРТДОШЛАРИМИЗ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ — ФАҲРИЙ УНВОН, ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАР БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАН ЭДИ.

Оқсарой қароргоҳида 7 декабрь куни ана шу юксак мукофотларни тантанали равишда топшириш маросими бўлди.

— Авваламбор, давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган сиз азизларни Конституцияимизнинг йигирма йиллик қутлуғ байрами билан табриклаб, барчангизга ўзимнинг чуқур хурмат ва эҳтиромимни изҳор этиш менга катта хурсандчилик этказди, — деди Ислон Каримов. — Ҳар йили Конституция куни арафасида мана шу мухташам саройда тўпланиб, Ватанимиз равнақи йўлида ўзининг фидойи ва ҳалол меҳнати билан бошқаларга ибрат ва намуна бўлиб келадиган, юксак унвон, орден ва медалларга муносиб бўлган юрт-

дошларимизга ушбу мукофотларни тантанали равишда топшириш яхши аънамага айланиб қолди.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда шу кунларда давлат мукофотларини қабул қилиб олаётган барча юртдошларимизни ғойибона бағримга босиб, муборакбод этиш, энг самимий тилакларимни билдириш мен учун катта шарафдир.

Бугун бир ҳақиқатни мамнуният билан тақдир айтмоқчиман: ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, иқтисодиётимизнинг тури соҳаларида — бу sanoat, ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги бўлади, қурилиш, транспорт-коммуникация тизими бўлади, соғлом ва баркамол авлодни тар-

биялаш, тинч-осуда ҳаётимизни химоя қилиш бўлади, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва спортни ривожлантириш бўлади — лўнда қилиб айтганда, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, ислохотларни изчил амалга оширишга, юртимизнинг гуллаб-яшнашига бор билим ва тажрибасини бағишлаб, катта ҳисса қўшаётган сизлар каби минг-миглаб инсонларнинг хизматларини, мардлик, одамлилик, бағрикенглик фазилатларини халқимиз муносиб баҳоламоқда, деди Президентимиз.

Ҳозирги кунда дунёда, узок ва яқин атрофимизда қанча-қанча қийинчилик, қанча нотинчлик, инқироз кўчаиб бораётган бир пайтда Ўзбекистонимиз юксак марраларга эришаётган экан, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин, бундай ютуқлар аввало халқимизнинг хўрматига сазовор бўлган сиз азизларнинг фидокорона меҳнатингиз ҳисобидан қўлга киритилаётганини эл-юртимиз юксак қадрлайди.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда аввало халқимизнинг меҳнати ва матонати, амалга оширилаётган чуқур ислохотлар ҳисобидан, янги мақсадларга интилуш ҳисобидан эришилаётган ютуқ ва марраларнинг ҳажон миқёсида тан олинаётганининг ўзи барчамизга гуруҳ ва ифтихор бағишлайди.

(Давоми 3-бетда.)

МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ



■ «ЎЗБЕКISTON» ХАЛҚАРО АНЖУМАНЛАР САРОЙИДА 7 ДЕКАБРЬ КУНИ ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУННИНГ ЙИГИРМА ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИГИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБЛАРИ, ФАН, МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ НАМОЯНДАЛАРИ, ПОЙТАХТ ЖАМОАТЧИЛИГИ, МАМЛАКАТИМИЗДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ ЭЛЧИ-ХОНАЛАРИ ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВАКОЛАТ-ХОНАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди. Ўзбекистон Республикаси Пре-

зиденти Ислон Каримов тантанали йиғилишда маъруза қилди. Давлатимиз раҳбари мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йилларида эришган барча-барча

(Давоми 3-бетда.)

ИНСОН МАНФААТИ, ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ҲАЁТИМИЗНИНГ ЯНАДА ЭРКИН ВА ОБОД БЎЛИШИГА ЭРИШИШ — БИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗДИР

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Парламентимиз томонидан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларга киритилган қўшимчалар ҳам сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш ва янада либераллаштириш, «Хабмас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш бўйича қонун ҳужжатлари қабул қилингани ҳамда ахборот тизимини ислоҳ этиш, хусусан, мамлакатимизни сиёсий жиҳатдан модернизация қилиш жараёнида халқ қилувчи роль ўйнайдиган ахборот-коммуникация технологиялари ва телевидение тизимида сўз эркинлигини таъминлаш борасида Концепцияда белгиланган вазифалар амалга оширилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Шулар қаторида «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида», «Ижтимоий шерикчилик тўғрисида», «Жамоат назорати тўғрисида», «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида» ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ҳам фоят муҳим аҳамиятга эгадир. Улар юртимизда фуқаролик жамиятини жадал ривожлантириш, унинг одамларимизнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ролини ошириш, ҳокимият тузилмалари фаолияти ошқоралигини кучайтириш ва бошқарув соҳасида қабул қилинаётган қарорлардан аҳолини хабардор этиш каби мақсадларга хизмат қилади.

Бу йил қабул қилинган «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг ролли ва аҳамияти бағоят катта, деб ўйлайман. Бу қонунда мулк эгасининг ҳуқуқи устувор аҳамиятга эга экани ҳақидаги халқ қилувчи принцип мустаҳкамлаб қўйилган. Бундан буюн қонунчиликда мулк эгаси билан давлат органлари муносабатларида пайдо бўладиган барча зиддият ва тушунмовчиликлар мулкдорнинг фойдасига ҳал этилади.

Хозирги вақтда янги таҳрирда амал қилаётган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги, «Рақобат тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар ва улар асосида имзоланган «Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, шунингдек, «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рўхсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармонлари ва бошқа қарорлар мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, уни диверсификация ва модернизация қилиш ва бунинг учун зарур ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ҳамда юртимизда инвестицион муҳит жозибadorлигини ва қўлайлигини оширишнинг кафолати бўлиб хизмат қилиши лозим.

Шу борада айтилган фикрларни яқунлаб, шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, мамлакатимизда бизнес ва хусусий тадбиркорлик манфаатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган ана шу барча қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий нормаларнинг ижросини мониторинг қилиш ва назоратда олиш ташқи ва жaxon бозорларида глобал инқироз авж олиб бораётган бир шароитда ўта муҳим аҳамият касб этади.

Қадрли дўстлар! Ўзбекистонда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг барчаси ҳақида тўхталиб ўтиш кўп вақт талаб этади ва ўз-ўзидан равшанки, бунинг хожати ҳам йўқ.

Юртимизда қабул қилинган ва қабул қилинаётган қонунлар ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, умуман, бугун бизнинг амалий ҳаётимизда қилаётган барча-барча ишларимиз мамлакатимизни ривожлантириш ва модернизация қилиш суръатларини қай даражада жадал таъминлаб бераётгани, бизни ўз олдимизда қўйган бош мақсадимида, яъни, **Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олиши**дек буюк мақсадга қанчалик яқинлаштираётганини англаш ва баҳолаш биз учун айнаксам муҳимдир.

Ана шундай юксак мақсадларга эришишнинг халқ қилувчи омилларидан бири бу — ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз аҳолисининг онгу тафаккури ва дунёқарашида юз бераётган ўзгаришлар, унинг ҳаётга, меҳнатга бўлган муносабати, тобора ўсиб бораётган сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, десам, асло муболага бўлмайди.

Эски мустабид ўтмишнинг оғир юки ва мероси ҳаётимизда барҳам топмоқда, одамларимиз бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган дунёда рўй бераётган воқеаларнинг моҳиятини яқши тушуниб етмоқда, уларнинг миллий манфаатларимизга нақадар жавоб бераётгани ёки бермаётганини ўзига аниқ тасаввур этмоқда. Нега деганда, шуни ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим, **биз кўпни кўрган, курашларда тобланган, ор-номусимиз, қадр-қимматимизни, муқаддас динимиз ва қадриятларимизни юксак баҳолайдиган халқимиз.**

Мухтасар қилиб айтганда, эл-юртимиз нималар ҳисобидан, қандай оғир ва машаққатли кунлар, синовларни бошдан кечириб, бугунги ютуқ ва маргаларга эришганини холисона баҳолаб, ҳар қандай кибр-хаво кайфиятларига берилмасдан, оёғимиз ердан узилмасдан, эртанги ёруғ, ҳеч қимдан кам бўлмайдиган келажакимизга онгли равишда қадам қўймоқдамиз.

Бу йилда бизнинг энг катта таянч ва суянчимиз, халқ қилувчи қучимиз ёш авлодимиждир.

Бу — Ўзбекистонда ташкил этилган, дунё микёсида катта қизиқиш ва ҳавас уйғотаётган мутлақо янги ўқув тизимида юксак таълим-тарбия олаётган, эски асоратлардан, қарашлардан узоқ бўлган, замонавий касб-хунарларни ўзлаштирган, мустақил фикрлайдиган, эртанги кунга интилаётган бизнинг фарзандларимиздир.

Хар йили мамлакатимизда 600 мингдан зиёд бутунлай янгича шарт-шароит ва муҳитда камол топган ёш авлод вакиллари катта ҳаётга йўланма олмақда.

Ишончим комил, бундай ёшларимизнинг сафи қанча кўпайса, қанча ривож топса, ҳеч шубҳасиз, марра бизники, Ўзбекистонникидир.

Хурматли дўстлар! Бугунги дунёда жадал ўзгариб бораётган вазият ва жараёнлар, мавжуд можароларнинг кескинлашуви ва янги қарама-қаршилиқларнинг пайдо бўлиши, баъзи минтақаларда этник ва конфессияларно тафовутлар негизида вужудга келаётган тўқнашувларнинг кучайиши, хали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамда унинг оқибатлари жиддий таҳдид ва хатарларни келтириб чиқармоқда.

Ядровий технологиялар ва оммавий қирғин қуроолларнинг тарқалиб кетиш хавфи, мурасасизлик, радикализм ва экстремизмнинг ўсиши, янги кескинлик ўчоқларининг пайдо бўлиши дунё ҳамжамиятида катта ташвиш уйғотмоқда.

Бугунги глобаллашув шароитида бундай жараёнларнинг барчаси жаҳондаги йирик давлатларнинг манфаатлари ўзaro тўқнашадиган минтақамизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги ва изчил ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида ортиқча гапириб ўтиришнинг хожати йўқ, деб ўйлайман.

АЙСЕФ деб аталмиш коалицион қўшинларнинг 2014 йилгача ва ундан кейин кўшни Афғонистон ҳудудидан оқибат четилиши билан боғлиқ равишда ушбу мамлакат ва унинг атрофидagi вазиятнинг янада кескинлашиб, терроризм, экстремизм ва наркотрафикнинг кучайиши хавфи борлиги, қисқа қилиб айтилган бўлсақ, мамлакатда ахвол чегарадан чиқиб кетиши мумкинлиги кўшни давлатларда жиддий хавотир уйғотмасдан қолмайди, албатта.

Воқеаларнинг ана шундай йўналишда ривожланиши бугунги қарама-қаршилиқнинг миллиятлар ва элатлар ўртасидаги можарога айланиб кетиши, Афғонистонда фуқаролар урушининг янгидан авж олиши, минтақада турли хавф-хатарлар пайдо бўлиши кўпгина нуфузли экспертлар томонидан истисно этилмапти.

Бизнинг қатъий ишончимизга кўра, вужудга келаётган вазиятда воқеаларнинг бундай салбий равишда ривожланишининг олдини олиш учун анча вақтдан буюн муҳокама этилаётган энг мақбул вариант — Бу Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолигида Афғонистонга қўшни мамлакатлар ва, шунингдек, Америка Қўшма Штатлари,

НАТО ва Россия иштирокида мулоқот гуруҳини шакллантиришда иборат.

Бу гуруҳ хатти-ҳаракатларининг бош мақсади ўзарo кураш олиб бораётган кучлар ўртасида муросага эришиш ва коалицион афғон ҳукуматини шакллантиришдан иборат бўлиши керак. Ана шу ҳукумат таркибида Афғонистондаги асосий миллий-этник ва диний гуруҳлар ўз ўрнини топган бўлар эди.

Таъкидлаш керакики, бу ечимнинг бошқа муносиб мубобил варианты йўқ. Ўзбекистон ўзининг қўшни Афғонистон билан муносабатларини икки давлатнинг миллий манфаатларини ҳисобга олиб, афғон халқининг ўз мамлакатни келажакини ўйлаб танлаган йўлини ҳурмат қилган ҳолда, икки томонлама асосда шакллантириб келмоқда ва бундан буюн ҳам шу принципга амал қилади.

Халқaro ҳамжамиятда катта акс садо берган, 2012 йилнинг сентябрь ойида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун асосида айнан ана шундай ёндашувлар мумассандир.

Мазкур концепция давлатимизнинг халқaro майдондаги асосий принциплари, стратегик устувор йўналишларини белгилаб беради ва Ўзбекистон томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг биринчи йилларидан бошлаб амалга оширилаётган стратегиянинг мантиқий давомидир.

Ўзбекистон, авваломбор, мамлакатимиз ташқи сиёсатида бош қадрият ва тамойил бўлган ўзининг узоқ муддатли миллий манфаатларини кўзлаган ҳолда:

турли ҳарбий-сиёсий блок ва альянслардан узоқ бўлиши ҳақида; ўзининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга бўлиши ҳақида ва ўз ҳудудида хоржий давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймайди, яхши қўшничиликнинг, юзага келадиган низоларни фақатгина тинч йўл билан бартараф этишнинг қатъий тарафдоридир.

Минтақамизда мураккаб вазият вужудга келаётган шароитда, узоқ ва яқин атрофимизда турли қарама-қаршилиқлар тобора кучайиб бораётган бир пайтда мамлакатимиз тинчлиги ва фаровонлигини сақлаш, ён-атрофимиздаги давлатлар ва халқлар билан ўзарo бир-бирини тушуниш ва ҳамжихатликда яшаш учун шарт-шароитларни таъминлашга қаратилган ана шундай ташқи сиёсатини халқимизнинг асл орзу-умид ва интилишлари га мос келади.

Ишончим комилки, Ўзбекистон ташқи сиёсатини айни шу принципларга асосланиб олиб боришни барча юртдошларимиз, бутун халқимиз қўллаб-қувватлайди.

Хурматли дўстлар! 2012 йилга мамлакатимизда «Мустақам оила йили» деб ном берганимиз ва шу асосда азал-азалдан ҳаётиимизнинг таянчи ва суянчи бўлиб келган, жамиятимизнинг халқ қилувчи бўлини бўлимиш оила институтини янада ривожлантиришга қарор қилганимиз халқимиз томонидан катта мамнуният билан қабул қилинди.

Жорий йилга айни шундай ном бериш орқали ҳаёт абайдйлигини, ҳар қайси инсоннинг бахту саодати, келажак, орзу-интилишларини мумассам этадиган оилани янада мустаҳкамлаш ва фаровонлигини ошириш, бу борада олиб бораётган барча ишларимизни янги босқичга кўтаришдек олижаноб режаларни амалга ошириш кўзда тутилгани ҳаммамизга яқин аён.

Шу муносабат билан қабул қилинган давлат дастурининг ижроси, унда белгиланган кенг қўламли чора-тадбирларни бажариш натижалари, уларнинг амалий таъсири ва самараси ҳақида йил якунига кўра жойларда бўлиб ўтадиган йиғилишларда албатта батафсил ҳисобот берилади, деб ўйлайман.

Бугун эса, руҳсатингиз билан, ана шу дастурнинг маъно-мазмунини ифода этган энг асосий ва устувор йўналишлар бўйича амалга оширган ишларимиз ҳақида қисқача тўхталиб

ўтишни зарур, деб биламан.

Биринчи навбатда, **оила институтини мустаҳкамлаш билан боғлиқ қонунчилик ва ҳуқуқий базани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш** масалаларига алоҳида эътибор берилганини таъкидлаш лозим.

Шу борада бугун замон талаб этаётган оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва бунинг учун ҳуқуқий нормаларни шакллантириш, Оила кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги ва шунга ўхшаш бир қатор қонунларни қабул қилиш шулар жумласидандир.

Жорий йилда оила, биринчи навбатда **ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш** каби ўта муҳим масалалар диққатимиз марказида бўлди.

Ана шу мақсадда «Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳукумат қарори қабул қилинди. Шу асосда ёш оилалар учун 2012-2013 йилларда ҳар бири 48 та квартирага эга бўлган 100 та кўпқаватли уй қуриш ишлари амалга оширилмоқда.

2012 йилнинг ўзидa 2 минг 400 та квартира фойдаланишга топширилган бўлса, келгуси йилда яна шунча квартира қурилади. Ана шундай уйлارни сотиб олишда қўлай имконият яратиш учун миғнлаб ёш оилаларга 15 йил муддатга мўлжалланган 210 миллиард сўмга яқин имтиёзли ипотека кредитлари берилди.

Оилаларнинг фаровонлигини ва доромад манбаларини ошириш учун тижорат банклари томонидан қарийб 80 миллиард сўмга яқин, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун эса салкам 47 миллиард сўм миқдоридa микрокредитлар ажратилгани ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Мазкур банklar томонидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган маҳсулотлар, хусусан, мебель, маийий техника ва бошқа уй-ўзғор буюмларини харид қилиш учун 71 миллиард сўмдан зиёд истеъмол кредитлари ажратилгани ёш оилаларнинг рўзгорини бутлашда, уларнинг оёққа туриши олишда катта мадад бўлди, десак, янглишмаган бўламиз.

Кишлоқларда маийий хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётган яқка тартибаги тадбиркорларнинг уш йил муддатга солиқлардан озод этилгани 40 мингга яқин иш ўрнини ташкил этишга имкон берди.

Дастур доирасида биз **эктибемдан оилаларга ижтимоий ғамхўрликни янада кучайтиришга** алоҳида эътибор берганимиз ҳар қандай таҳсинга сазовордир.

Шулар ҳақида гапирганда, боқувчисини йўқотган, ёрдамга муҳтож оилаларга 8 минг 600 дан зиёд қорамол ҳамда 1 миллион 900 мингта уй парандаси тарқатилганини қайд этиш лозим.

Жорий йилда кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларга қиймати қарийб 28 миллиард сўмдан иборат бўлган қишки кийим-кечак берилди. Янги ўқув йилида 104 мингга яқин биринчи синф ўқувчисини, шунингдек, уйда таълим олаётган, имконияти чекланган 11 мингга яқин бола давлат бюджети ҳисобидан 12 турдаги ўқув анжомлари тўплами билан таъминланди.

Айни вақтда ўқувчи қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш ва рағбатлантириш мақсадида 190 мингта спорт кийимлари тўплами уларга совға тариқасида берилгани, 50 минг нафар бола бепул, 270 минг нафар бола эса имтиёзли асосда ёзги оромгоҳларда дам олдирилганини таъкидлаш лозим.

Шунингдек, юртимиз бўйича мингдан ортиқ ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган ёш оиланинг ниҳоқ тўйлари ҳомийлар маблағлари ҳисобидан ўтказиб берилди.

2012 йилда яна бир долзарб вазифа — **аҳоли бандлигини таъминлаш** масаласига устувор аҳамият қаратилди. Бу борада кичик қорхона ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобидан хотин-қизлар учун 204 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилганини алоҳида тилга олиш зарур, деб биламан.

Йил давомида 107 мингдан ортиқ ёшлар ишга жойлаштирилгани, 19 минг нафардан зиёд ишсиз ёшлар за-

рур касбларга тайёрлангани, 52 минг нафар йигит-қиз эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилгани биз учун ўта муҳим бўлган бандлик масаласини ечишда яна бир жиддий қадам бўлди.

Парламентимиз қабул қилган **оилавий тадбиркорлик ва хусусий бизнесни янада ривожлантириш** борасидаги қонунларимиз асосида ўтган давр мобайнида ажратилган кредитларнинг умумий миқдори 905 миллиард сўмни, жумладан, хотин-қизларни тадбиркорлик соҳасига фолал жалб этишга йўналтирилган кредитлар ҳажми 450 миллиард сўмни ташкил этди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида тадбиркор аёллар учун Халқaro ҳамкорлик бўйича омонат кассалар жамғармаси маблағлари ҳисобидан 218 минг евро миқдоридa микрокредитлар ажратилди.

Аёлларимиз, опа-сингилларимизнинг меҳнатини энгиллаштириш, уларнинг салоҳиятидан фолал ижтимоий, маданий, социал ва иқтисодий соҳаларда, болалар тарбиясида янада самарали фойдаланиш мақсадида илгари қўрилган аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, бу борада «Оилаларнинг ижтимоий-маийий шароитларини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ҳукумат қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ хонадонларнинг маийий ва ошхона электр жиҳозлари билан таъминланишини яхшилаш, аёлларнинг уй-ўзғор юмушларини энгиллаштиришга қаратилган истеъмол кредитларини кенгайтириш бўйича катта ишлар қилинди.

Ана шундай чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда электр маийий техникаси ишлаб чиқариш ҳажми 2012 йилда аввалги йилларга нисбатан 4 баробар ўсди.

Юртимиздаги оилаларга уч йилга мўлжалланган 317 миллиард сўмга яқин истеъмол кредитлари ажратилгани опа-сингилларимизнинг оғирини энгил қилиш, аҳолининг турмуш маданиятини оширишга қаратилгани билан айнаксам аҳамиятлидир.

Шу ўринда яна бир эътиборга лойиқ масалага тўхталмоқчиман. Бу йил қишлоқ аҳоли пунктларини марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш бўйича қурилган қўшимча чора-тадбирларга асосан қарийб 108 миллиард сўм ва 96 миллион АҚШ доллари миқдоридa маблағ сарфланиб, 1 минг 220 километрдан зиёд янги сув тармоқлари барпо этилди ва реконструкция қилинди. Бу эса 872 та аҳоли пунктини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконини беради.

Етуқ ва баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ўрнини кучайтириш, оила институтининг таълим ва тарбия муассасалари билан амалий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича ҳам салмоқли ишлар бажарилди.

Бу ҳақда гапирганда, оила, маҳалла ва таълим муассасаси ўртасидаги ҳамкорликни, унинг самарасини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётганини қайд этиш ўринлидир.

Ана шу тадбирлар ҳисобидан юртимиздаги 4,5 миллиондан зиёд ўқувчининг 76 фоизи мактаблар ва «Баркамол авлод» болалар марказларида ташкил этилган фан, мусика ва санъат ўғрақларида, спорт машғулотларида фолал иштирок этмоқда.

Йил давомида мингга яқин умумтаълим мактаби замонавий компьютер хоналари, 1 минг 150 тадан зиёд касб-хунар коллежидаги ўқув устахоналари амалий машғулотлар учун зарур бўлган жиҳозлар, хомашё махсулотлари билан таъминланди. «Электрон таълим» лойиҳаси доирасида олий ўқув юртларининг кутубхона фондларини электрон шаклга ўтказиш борасидаги дастурий ишлар бошланди.

Интернет тармоғида ишлаш кўникмаларини эгаллаш бўйича қишлоқ ёшлари учун ишлаб чиқилган махсус ўқув дастури асосида 30 мингга яқин йигит-қиз ахборот-коммуникация технологиялари бўйича ўз билимини оширишга муваффақ бўлди.

«Мустаҳкам оила йили» дастури асосида **соғлиқни сақлаш соҳаси** бўйича ҳам улкан ишлар амалга оширилганини бугун мамнуният билан таъкидлашга ҳақлимиз.

Хусусан, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб жорий этиб келинаётган, халқaro ҳамжамият томонидан тан олинган «Соғлом она — соғлом бола» дастури

доирасидаги чора-тадбирларимиз йил давомида янги босқичга кўтарилди.

Айнаксам, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа халқaro жағмаралар билан ҳамкорликда «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш, замонавий техник воситалар ёрдамида малакали ташхис қўйиш, касалликларни илк босқичда даволаш ишлари аниқ режа асосида олиб берилди, профилактик тадбирларда аҳолининг барча қатламларини қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бизнинг олий мақсадимиз бўлган соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш учун жорий йилда 8 миллион 300 минг нафар фарзанд қўриш ёшидаги аёл ҳамда 8 миллион бола тиббий қўриқдан ўтказилди. Шулар қаторида 5 мингга яқин ёлғиз кекса ва ногиронлар малакали текширувдан ўтказилиб, уларга тегишли тиббий ёрдамлар кўрсатилганини айтиш жоиз.

Тиббиёт соҳасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилди.

Шу борада Тошкент шаҳрида 21,5 миллиард сўм ва қарийб 23 миллион АҚШ долларини иборат маблағ ҳисобидан қуриб битказилган, энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган Республика иختисослаштирилган жарроҳлик марказининг кардиокарроҳлик мажмуаси бугунги кунда ўткир муаммо бўлиб турган юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволашда алоҳида аҳамият касб этиши билан айнаксам эътиборлидир.

Таъкидлаш керакики, «Мустаҳкам оила йили» **жамиятимизнинг маънавий негизларини янада ривожлантириш, азалий қадриятларни асраб-авайлаш, юксак маънавий муҳитни қарор топтиришда, миллий менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирларга қарши туришда бекиёс куч бўлган оиланинг ўрни ва нуфузини оширишга қаратилган қўллаб тадбирларга, жумладан, турли кўрик-танловлар, фестиваллар, кўرғазма ва ижодий кечаларга бой бўлди.**

Мамлакатимизда ижтимоий аҳамиятга молик бошқа объектлар қатори замонавий спорт иншоотлари барпо этиш, бу йўналишдаги инфратузилма тармоқларини янада кенгайтириш борасидаги ишлар ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Биргина жорий йилнинг ўзидa 168 та болалар спортни объекти фойдаланишга топширилди ва бугунги кунда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган 1 миллион 600 мингдан зиёд болаларимиз спорт билан мунтазам шуғулланиш имконига эга бўлди.

Юртимизда спорт соҳасини янада ривожлантириш, ўзбек футболни ривожини янги босқичга кўтариш мақсадида азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида замонавий «Бунёдор» спорт мажмуаси қуриб фойдаланишга топширилгани мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини яна бир бор ёрқин намоян этди. Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу мажмуа ёшларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом авлод этиб ўстириш, спортчиларимизнинг жаҳон майдонларида юксак марраларни эгаллашга, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги обрў-эътиборини янада юксалтиришга хизмат қилиши мумқарар.

Болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга ошираётган тизимли ишларимиз бугунги кунда ўзининг амалий самараси ва ҳосилини бермоқда.

Ўзбекистоннинг футбол бўйича иккита терма жамоаси — **ўз олтй ёшгача бўлган ўсмирлар терма жамоамиз ҳамда ёшлар терма жамоамиз Осиё китъасининг манаман деган, энг кучли мамлакатларининг терма жамоалари билан кескин кураш**

ИНСОН МАНФААТИ, ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ҲАЁТИМИЗНИНГ ЯНАДА ЭРКИН ВА ОБОД БЎЛИШИГА ЭРИШИШ — БИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗДИР

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Мухтарам ватандошлар!
«Мустақам оила йили» Давлат дастури бўйича амалга оширган ишларимиз ҳақида ба- тафсил сўз юритишга кўп вақт кераклигини ҳаммамиз яхши тушуна- миз. Мен бу ўринда эътиборингизни фақатгина битта ра- қамга қаратишни жоиз, деб би- ламан.

Дастур доирасида барча мо- лиявий манбалар ҳисобидан 2 триллион сўмдан ортиқ ҳамда 100 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфланганининг ўзи, ўйламанки, бизнинг амал- га оширган ишларимизнинг кўлами ва миқдоси нақадар кенг ва улкан эканидан яққол доло- лат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай олижаноб ва савобли ишга ўз ҳиссасини қўшган юр- тимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотлар, хорижий ва халқ- аро тузилмаларга, шу залда ўтирган чет давлатларнинг эл- чилари ва дипломатик ваколат- хоналар вакиллари, эзгу мақ- сад йўлида сидқидилдан хизмат қилган барча-барча инсонларга ўз номидан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик билди- раман.

Ҳеч шубҳасиз, «Мустақам оила йили» ўзининг туб мазмун- моҳияти, руҳи ва фалсафаси би- лан, амалий таъсири ва нати- жаси билан эл-юртимиз хотира- сида чуқур из қолдиради, де- сам, сиз азизлар шу фикрга қўшилсиз, албатта.

(Давоми. Боши 1, 2-бетларда.)

Қадри юртдошлар!
Энди сизлар билан кириб ке- лаяётган янги — 2013 йилга қан- дай ном бериш ҳақида масла- хатлашиб олишимиз керак.

Ўтган давр мобайнида бизнинг бу борада тўплаган тажрибамиз шунки кўрсатмоқдаки, йилга фа- қат чиройли ном бериш эмас, бу гоёни мутлак кўпчилик, умум- халқ манфаатида дахлдор бўлган аниқ мақсад ва мазмун билан, таъсирчан ва самарали тадбир- лар билан тўлдириб ҳал қилув- чи аҳамият касб этиши шарт.

Лўнда қилиб айтганда, йилга ном бериш негизда аввалам- бор ҳар бир одам, ҳар бир оила, қолаверса, бутун халқимизнинг ҳаёлидан ўрин олган вазифалар- ни амалга ошириш, тараққиёт- имизни жадаллаштириш, ҳаёти- мизни янада фаровон қилиш — айни шу каби эзгу мақсад-муд- даолар туриши лозим.

Барчамизга яхши аёнки, ҳар қайси инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бу дунёга бахтли яшаш учун келади. Бун- дай юксак орзуга етишнинг шар- ти ва гарови бўлган омиллар кўп. Лекин улар орасида ҳаёти- мизга маъно-мазмун берадиган, уни янада ёруғ ва файзли қила- диган бир омил борки, у ҳам бўлса, одамнинг ўз уйи, ўз юр- тини ҳар томонлама гўзал ва обод қилиб, шундан ўзи мамнун бўлиб, рози бўлиб яшашида яққол намоён бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, обод деган сўзнинг маъносини биз жуда кенг ва чуқур тушуна- миз. Обод деганда, халқимиз,

миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, тинч- лик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, файз-ба- рака ҳукмрон бўлган жойларни, доимо пок ният ва соғлом инти- лиш билан яшашни тасаввур қилади.

Мустақиллик йилларида «Обод- лик кўнглидан бошланади» деган чуқур мазмунли ибора эл-юрти- миз ўртасида кенг тарқалиб, одамларимизни бунёдкорлик туй- гуси билан яшашга даъват этиб келаётгани ҳам бу фикрни тас- диқлайди.

Бундай мулоҳаза ва фикрлар- ни умумлаштириб, ўзбекона ай- тадиган бўлсак, барчамизни ҳаракат ва интилишларимиз не- гизда авваламбор юртимиз, Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, инсон эркин на- фас оладиган, тинч ва фаровон яшайдиган ҳаёт бариб олиш туй- гуси мужассам эканини, ўйла- манки, ҳаммамиз яхши тушуна- миз.

Айни шундай орзу-ниятлар билан кундалик ҳаётимизни тўлдириб, уларни ҳаётимизнинг мақсадига айлантириш, шундай гоё ва интилишни амалга оши- риш учун давлатимиз ва жамия- тимизнинг барча куч ва имко- ниятларини сафарбар этиш, ҳеч шубҳасиз, бугунги кунда гоёт муҳим ва долзарб аҳамият касб этиди.

Азиз дўстлар, юқорида баён этилган фикр-мулоҳазаларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, мен кириб келаётган янги — 2013 йилни мамлакатимизда

«Обод турмуш йили» деб эълон қилишни тақлиф этмоқчиман.

Биз 2013 йилга шундай ном берар эканмиз, ана шу йўналиш- да бошлаган ишларимизни из- чил давом эттириш, уларни янги, юксак босқичга кўтаришни асо- сий мақсад деб биламиз.

Шу муносабат билан қабул қилинадиган давлат дастурида кўйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш мақ- садга мувофиқ, деб ўйлайман.

Биринчидан, Ўзбекистонимизда тинчлик-осойишталик ва хавфсиз- ликни, фуқаролар ва миллатлар- аро аҳиллик ва ҳамжихатликни кўз қорачиқидек сақлаш ва мустақ- камлаш бундан буён ҳам энг му- ҳим, ҳал қилувчи вазифамиз бўлиб қолиши даркор.

Албатта, бу масала бўйича масъул бўлган тегишли идора- лар бор, куч-қудратимиз ҳам етарли. Лекин қанчон юрт тинч ва обод бўлади? Қанчони ҳар қайси уйда, ҳар қайси маҳалла- да яшаётган одам тинчлик ва осудаликнинг қадрига етиб, уни мустақамлашгани, уни ҳимоялаш- ни ўзининг бурчи, деб билса, тинчлик учун курашсагина бу мақсадга эришиш мумкин.

Иккинчидан, обод ҳаёт деган тушунча азал-азалдан халқимиз- нинг онгу тафаккурда аввалам- бор фаровонлик, тўқинчилик, мўл-қўнчилик, кўл-барака, бозор- ларда арзончилик маъносини ўзига мужассам этиб келади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда халқ фаровонлиги тушунчаси Ва- тан раванки ва юрт тинчлиги деган, биз учун энг азиз ва му-

қаддас бўлган қадриятлар би- лан биргаликда миллий гоёмиз- нинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этмоқда.

Дастурни тайёрлашда аҳоли фаровонлигини, унинг реал да- ромадларини ошириш, бандлик масаласини ечиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фер- мерлик ҳаракатини янада ривож- лантириш, давлат томонидан бе- риладиган аниқ манзилли ижти- мой ёрдам тизимини такомил- лаштириш каби вазифалар эъти- боримиз марказида бўлиши ло- зим.

Бир сўз билан айтганда, халқ- имизнинг «Меҳнатдан келса бой- лик — турмуш бўлар чиройлик» деган мақоли замирида мужас- сам бўлган ҳақиқатни ҳаётимиз тарзига айлантириш йўлида янги йилда ҳам катта-катта ишларни амалга оширишимиз зарур.

Учинчидан, обод турмушнинг яна бир муҳим шартини — бу ин- сон саломатлигини мустақам- лаш билан боғлиқ эканини бар- чамиз яхши тушунашимиз.

Ҳақиқатан ҳам, одамларимиз қачон, қаерда бўлмасин, дуога қўл очар экан, аввало, «Тани соғ- лам, тинчлик-хотиржамлик бўл- син, юртимизда бод бўлсин», деб ният қилиши беҳиз эмас, ал- батта.

Шу боис халқимизнинг сало- матлигини ҳимоялаш, бунинг учун соғлиқни сақлаш тизимини энг замонавий даражага восита- лари, техника ва технологиялар билан таъминлаш, профилактика, яъни касалликларнинг олди- ни олиш ишларини янада кучай-

тириш, бу соҳада фидокорона меҳнат қилаётган тиббиёт хо- нимларининг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш масалалари биз учун доимий ва- зифа бўлиб қолади.

Тўртинчидан, халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини юк- салтириш, жумладан, янги уй- жойлар, замонавий йўл ва ком- муникация тармоқларини барпо этиш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни ечиш каби дол- зарб масалалар бўйича ҳам да- стурда аниқ чора-тадбирлар бел- гиланиши керак.

Бешинчидан, биз турмушимиз- ни янада обод қилиш вазифа- сини олдимишга қўяр эканмиз, бир ҳақиқатни чуқур англаб оли- шимиз зарур. Яъни, ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шартини — бу аввало маҳаллани обод қилиш демакдир.

Шу борада маҳалла идораси- нинг, маҳаллада яшайдиган аҳолимизнинг ўзини ўзи бошқар- тиш тизимини, керак бўлса, иж- тимой ҳимоялаш тизимини яна- да такомиллаштириш, маҳалла- нинг ижтимоий-иқтисодий ҳаё- тимиздаги ўрни ва таъсирини янада кучайтириш, унга янги ҳуқуқ ва ваколатлар бериш бўйи- ца ҳам кенг жамоатчилик ишти- рокида амалий тақлифлар иш- лаб чиқиш мақсадга мувофиқ- дир.

Олтинчидан, ҳаётимизни ян- га соғлом ва обод қилиш, авва- ло аёл зотининг жамиятимизда-

ги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, хо- тин-қизларнинг турли жабҳа ва йўналишларда қилаётган ишла- рини муносиб баҳолаш, ҳар қайси ҳонадонда уй бекаси бўлмиш опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш асосида турмушимизни фаровон этиш билан узвий ва чамбарчас боғ- лиқдир. Ана шу ҳақиқатни амал- да қарор топтириш учун бизнинг ҳали қиладиган кўп ишларимиз борлигини унутмаслигимизни истардим.

Албатта, 2013 йилда ўз олди- мизга мана шундай катта вазифа- ларни қўяр эканмиз, уларни рўёбга чиқариш учун давлат ва нодавлат ташкилотлар, маҳал- лий ҳокимият идоралари, маҳал- ла, хотин-қизлар, ёшлар вакил- лари, зиёлиларимиз, кенг жамо- атчилик, бутун халқимиз фаол ва муносиб иштирок этади, деб ишонаман.

Азизларим, қадрдонларим!
Кириб келаётган янги йилга мамлакатимизда «Обод турмуш йили» деб ном берганимиз биз- нинг мустақиллик йилларида олиб бораётган сиёсатимизнинг асосий, бош мақсади бўлиши инсон манфаати, инсон ҳуқуқла- ри ва эркинликларини таъмин- лаш, ҳаётимизнинг янада обод ва эркин, эртанги кунимизнинг янада ёруғ бўлиши йўлида яна бир улкан қадам бўлиб хизмат қилишига аминман.

Яна ва яна бир бор барчан- гизга сийҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз Ислам Каримов 7 декабрь куни Оқсаройда бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди

Ана шундай юксак эътироф ҳақида гапирганда, биз яхши ту- шунашимиз, англаймиз: бундай марраларни эгаллаётганимиз, уларни халқаро жамоатчилик тан олаётгани негизда мана шу муқаддас юртимиз, гўзал диё- римизда яшаётган ҳар қайси инсоннинг муносиб ҳиссаси бор, албатта, деб таъкидлади Президентимиз.

Шу маънода, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир юртдошимиз, ана шу ютқ- ларда менинг ҳам хизматим, менинг ҳам ҳиссам бор, деб бошини баланд кўтариб айтиш- га ҳақли, десам, ҳеч қандай хато бўлмайд.

Ҳеч шубҳасиз, Оллоҳнинг марҳамати билан ана шундай кўпни кўрган, кўп синов ва қий- инчиликларда тоблган мард ва танги, эртанги кунга катта ишонч билан қадам қўяётган бағрикенг халқимиз, тобора кучга тўлиб бораётган, биз бошлаган ишларнинг давомчи- лари бўлган ёшларимиз бор экан, қандай қийин бўлмасин, келажақ марра бизники, десам, ўйламанки, барчангизнинг фикрингизни ифода этган бўла- ман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, давлатимизнинг юксак унвон, орден ва медалларига сазовор бўлган инсонларни яна бир бор чин қалбимдан табриклаб, ҳам- мангизга янги-янги зафарлар ти- лашга ижозат бергайсиз, деди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

давлатимиз раҳбари.

Сўнгра Президентимиз Ислам Каримов давлат мукофотлари- ни тантанали равишда топшир- ди.

— Ҳар бир инсон, у қайси ёшда бўлмасин, қайси соҳа ёки лавозимда ишламасин, ота- онаси, фарзандлари олдида, ўз Ватани, келгуси авлодлар ол- дида ҳалол ва виждонан қил- ган меҳнатининг ҳосилини, ўз хизматининг тан олинисини, қадр топганини кўрар экан, мен ўйламанки, бундай инсон ўзини албатта бахтли деб ҳис қилади, — деди Президентимиз. — Бугун сизларнинг кўла- рингизга, чеҳрангизга боқиб, худдики ўзимни ҳам сизлар қатори мукофот олгандек сез- моқдаман.

Менинг ниятми, эзгу тилагим битта: доимо эл-юрт ардоғида бўлиш сизларга насиб этсин. Кўксингизга ярашиб турган мана шу юксак нишонлар бар- чангизга буюрсин, сизларга янги куч-қувват, ғайрат-шижоат бағишласин. Умрингиздан ба- рака топинг, ҳеч қачон кам бўлманг, барчангизга сийҳат-са- ломатлик, бахту саодат, хона- донларингизга тинчлик-хотир- жамлик ёр бўлсин, деди пир- овардида Юртбошимиз.

Тақдирланганлар номидан сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Фер- мерлари кенгаши раиси Содикжон Турдиев, Ўзбекистон Қаҳрамони, Тошкент врачлар малакасини ошириш институ-

тининг офтальмология кафе- драси профессори Холиджон Қомилов, Ўзбекистон Респуб- ликасида хизмат кўрсатган журналист, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Республика ахбороти таҳририяти бош му- ҳаррири ўринбосари Лилия Пақ, Ўзбекистон Республикаси- да хизмат кўрсатган спорт ус- този, Гимнастика бўйича Рес- публика олий спорт маҳорати мактабининг бадий гимнасти- ка бўлими мураббийи Людмила Поливанова, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсат- ган артист, «Ўзбекнаво» эстра- да бирлашмаси хонандаси Али- шер Турдиев, «Фидокорона хизматлари учун» ордени со- ҳиб, «Ўзбекгеофизика» оқиқ акциядорлик жамиятининг «Устурут геофизика экспе- дицияси» филиали геология бўлими бошлиғи Максет Рей- мов, «Содик хизматлари учун» медали соҳиб, Мудфоа ва- зирлиги Сержантлар тайёрлаш мактаби бошлиғининг биринчи ўринбосари Фаррух Зиябоев давлатимизнинг ушбу юксак мукофотлари бундан буён Ватан тараққиёти йўлидаги фи- докорона меҳнатни янада юқори сурват ва шижоат билан давом эттиришга ундашини, ян- гидан-янги марраларни эгал- лашга илҳомлантиришини таъ- қидлайди, юксак эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимиз Ислам Каримовга самимий миннатдорлик билдирди.

ЎЗА

МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Ҳар бир юртдошимиз, бутун халқимиз ҳаётидаги барча ўзгариш ва янги- ланишлар, мамлакатимизнинг тараққиёт ва фаровонлик йўлидан дадил ривож- ланиб бораётгани Асосий қонунимизда белгилаб қўйилган ҳуқуқий асосларга қатъий амал қилиб келаётганимизнинг самарасидир.

Ўзбекистон Республикаси Конститу- цияси байрамимиз яна бир муҳим жи- хати, шу кун халқимиз, жамиятимиз- нинг орзу-интилишларини ифода эта- диган, эртанги кунимизнинг равнақиға хизмат қиладиган энг устувор йўналиш- лар белгилаб олинади.

Президентимиз Ислам Каримов та-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ

Халқимизнинг энг улғу, энг азиз бай- рами — мамлакатимиз мустақиллиги- нинг 21 йиллиги арафасида Президен- тимиз Ислам Каримовнинг фармонла- рига мувофиқ мамлакатимиз тараққиёт- ни, ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг гуллаб-ашнашига муносиб ҳисса кў- шаётган бир гуруҳ фидойи ва ташаб- бускор ҳамюртларимиз Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланган эди. Конституция- миз қабул қилинганининг 20 йиллиги катта шоду хуррамлик билан нишонла- наётган шу кунларда мажмур мукофот- лар ўз эгаларига тантанали равишда топширилмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган шундай тадбирга пойтахт фаол- лари, турли вазирлик ва идоралар раҳ- барлари, ижтимоий-иқтисодий жабҳа- лар, қурилиш, транспорт, саноят, обо- донлаштириш соҳаси вакиллари тақлиф этилди.

Ватанимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига Тошкент шаҳри муҳим ўрин тутди. 2012 йилда ҳам пойтахтимизда мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга ҳисса қўлушни янгидан- янги ишлаб чиқариш қувватлари, қўшма корхоналар ишга туширилди. Болалар

шаббоси билан 2012 йил Мустақам оила йили деб эълон қилинган эди.

Бу борада ишлаб чиқилган Давлат дастури асосида оила институтини янада мустақамлаш ва ривожланти- риш, ёш оилаларни қўллаб-қувват- лаш, аҳоли фаровонлигини юксалти- риш, жисмонан соғлом, маънавий янада кучайтириш, унга янги ҳуқуқ ва ваколатлар бериш бўйи- ца ҳам кенг жамоатчилик ишти- рокида амалий тақлифлар иш- лаб чиқиш мақсадга мувофиқ- дир.

Барчамизга яхши аёнки, ҳар қайси инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бу дунёга бахтли яшаш учун ке- лади, деб таъкидлади давлатимиз раҳ- бари. Бундай юксак орзуға етишнинг шартини ва гарови бўлган омиллар кўп.

Лекин улар орасида ҳаётимизга маъ- но-мазмун берадиган, уни янада ёруғ ва файзли қиладиган бир омил борки, у ҳам бўлса, одамнинг ўз уйи, ўз юр- тини ҳар томонлама гўзал ва обод қилиб, шундан ўзи мамнун бўлиб, рози бўлиб яшашида яққол намоён бўлади.

Президентимиз Ислам Каримов ки- риб келаётган янги — 2013 йилни мам- лакатимизда «Обод турмуш йили» деб эълон қилишни тақлиф этди. Дав- латимиз раҳбарининг бу тақлифи йи- гиланган томонидан гулдурдо қар- сақлар билан қўллаб-қувватланди.

Тантанали маросим санъат устала- ри ва ёш ижрочиларнинг байрам кон- церти билан якунланди.

ЎЗА

муваффақиятли амалга оширишдаги катта хизматлари, кўп йиллик самара- ли меҳнати билан саноят, транспорт, алоқа ҳамда қурилиш соҳаларини рив- ожлантиришга қўшган салмоқли ҳис- саси, ижтимоий ҳаётдаги фаол ишти- роки учун бир гуруҳ ҳамюртларимизга фахрли унвонлар, орден ва медаллар тантанали тарзда топширилди.

— Мамлакатимизда истиқлол йилла- рида оила, оналик ва болаликни муҳо- фазалаш, соғлом фарзандни дунёга келтириш, хотин-қизларни эъзозлаш, уларга меҳр-эътибор кўрсатиш маса- ласига устувор вазифа сифатида эъти- бор қаратилмоқда.— дейди Тошкент педиятрия тиббиёт институти клиника- сининг бош шифокори, «Эл-юрт хур- мати» ордени соҳибаси Гулираъно Усмонова. — Камтарона меҳнатимиз бундай юксак қадрларини тизимдаги барча ҳамкасбларим, жамоамизга бил- дирилган ишонч демакдир. Бу ишончга муносиб бўлиш, яратилган барча шар- оит ва имкониятларнинг қадрига етиш бизнинг бурчимиздир.

Мукофотлари Ўзбекистон Республика- си Бош вазири Ш.Мирзиёев топширди.

(Давоми 4-бетда.)

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ

Халқимиз маънавиятини юксалтириш, миллий аъноларимизнинг бардавонлигини таъминлаш, навирон авлодни она Ватанга муҳаббат, қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшлар онгу шуурини миллий ҳаёт тарзимида ёт ва зарарли гоялар таъсиридан ҳимоялаш маънавий-маърифий соҳалардаги ислохотларнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Бу йўналишдаги кенг қўламли сайёҳаракатлар ижодкор зиёлилар, миллий адабиётимиз, илм-фан, соғлиқни сақлаш тизими фидойилари, санъат ва маданият, оммавий ахборот

(Давоми. Боши 3-бетда.)

воситалари ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Уларни бадиий жиҳатдан юксак, эзгу гояларга даъват этувчи асарлар яратишга руҳлантириш, меҳнатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган тантанали тадбирга ёзувчи ва шоирлар, драматурглар, олимлар, тадқиқотчилар, режиссёрлар, актёрлар, мусабирлар, санъаткорлар, журналистлар, жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Тантанали тадбирда миллий маданият ва санъатимиз, оммавий ахборот воситалари ривожини давлатимизнинг доимий эътиборида экани

алоҳида таъкидланди. Юртимизда жаҳон андозлари даражасидаги санъат саройлари, маърифат масканлари, театрлар, кўргазма заллари, болалар ижодиёти учун кўркам биноларнинг барпо этилаётгани, республика ва халқаро миқёсда турли ижодий лойиҳалар, фестиваллар, кўрик-танловлар муваффақиятли ўтказилаётгани бунинг далилидир.

— Бугунги мураккаб глобаллашув даврида ёшларнинг қалби ва онги, уларнинг бадиий диди, эстетик тарбияси, дунёқараши, маънавияти, ахлоқи учун масъулли асосан биз — ижодкорларнинг зиммасида, — дейди Муқимий номидаги ўзбек давлат мусикали драма театри актёри, «Меҳнат шухрати» ордени соҳиби Турғун

Бекназаров. — Давлатимиз томонидан ижодкор зиёлиларнинг бу шаърафли вазифани муносиб адо этиши йўлида зарур барча шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Билдирилган бундай юксак ишончга, кўрсатилаётган меҳр ва эътиборга муносиб бўлиш бурчимиздир.

Мукофотлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов топширди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов иштирок этди.

Бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, вазирлик ва идоралар, ташкилотларда бўлиб ўтмоқда.

ЎзА

ЎЗХДП: Электорат манфаати

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

партия дастурий мақсадларининг асоси ҳисобланади

ЎЗХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН ПОЙТАХТИМИЗДАГИ 106-ЗАИФ ЭШИТУВЧИ БОЛАЛАР МАХСУС МАКТАБ-ИНТЕРНАТИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР ЎТҚАЗИЛДИ.

Унда партия фаоллари, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, Марказий банк ходимлари, бошланғич ташкилот етакчилари ҳамда мактаб интернат

тарбияланувчилари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, партияимиз дастурий мақсадларида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатла-

мини қўллаб-қувватлаш, ноғиронларни жамиятга реабилитация қилиш, муносиб турмуш шароитлари яратишга катта эътибор берилган. Бу борада партиянинг қатор лойиҳа ва ташаббуслари ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мазкур тадбир ҳам ана шу эзгу ишлардан бири бўлди.

— ЎЗХДП Олмазор туман кенгаши билан ҳамкорликда кўплаб тадбирлар ташкил этиб келяпмиз, — дейди **106-мактаб-интернат директори**

ри, партия фаоли Мухтабар Алимтоева. — Ушбу байрам ҳам бевосита партия Марказий Кенгаши кўмагида уюштиряпмиз. Бундай тадбирлар болаларнинг қалбида меҳр-муҳаббат ва инсонийлик туйғуларини кучайтиради.

Бугунги кунда мактаб-интернатимизда республикаимизнинг турли ҳудудларидан келган 350 нафарга яқин бола таълим олиш билан бирга, ўз саломатлигини тикла-

ди. Таълим масканимизда ўқувчилар билимлари мустаҳкамлашиб, маълум касбга ҳам йўналтирилди.

— Ҳозирда республикаимизда жисмоний имконияти чекланган болалар учун 89 та таълим муассасалари, хусусан, 4 та махсус касб-хунар коллежи, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимида 11 та ноғиронларни реабилитация қилиш марказлари фаолият олиб бораётди, — деди **ЎЗХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева.** — Уларда кўмак муҳтож фарзандларимиз билим олиши, жамиятда муносиб ўрин топиши учун етарли имконият ва шароит яратиб берилган. Шу жиҳатдан олиб қараганда, партияимизнинг бу борадаги вазифаси давлат томонидан ажратилаётган маблағлар, турли ижтимоий ёрдамларнинг манзилига етиб боришида жамоатчилик ва депутатлик назоратини ўрнатиш, камчиликларни бартараф этишга кўмаклашишдан иборат.

Тадбир давомида жисмоний имконияти чекланганига қарамай, меҳнатнинг бирор тури билан шугулланиш истагида бўлган кишиларга тижорат банклари томонидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Шунингдек, тадбир якунида Муқимий номидаги мусикали драма театри актёрлари ижросидаги сахна кўринишлари ҳамда мактаб-интернат тарбияланувчилари тайёрлаган байрам дастури намойиш этилди.

Нурали ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.



Санжар ШОТУЛАНОВ олган суратлар.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

МАМЛАКАТИМИЗДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ИСЛОХОТЛАР ИЗЧИЛ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ШУНИ АЙТИШ КЕРАККИ, БУ ЖАРАЁНДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ФАОЛЛИГИ ТОБОРА ЯҚҚОЛРОҚ СЕЗИЛАЯПТИ.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда «Фаол аёллар» қаноти хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларда уларнинг иштирокини кучайтиришга эътибор қаратмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус туманида ўтказилган «Хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимоялаш: муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари» мавзусидаги амалий семинарда шу ҳақда фикр юритилди.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎЗХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ЎЗХДП фракцияси ва маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари аъзо-

лари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирликлари мутахассислари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда ёш оилалар вакиллари қатнашди.

Семинарда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимоялашнинг қонуний асослари, жамият ҳаётида уларнинг иштирокини кучайтириш бўйича олиб борилаётган ишлар, шунингдек, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари ташаббускорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар атрофида таҳлил этилди.

— Мамлакатимиз тараққиётида хотин-қизларнинг ўрни тобора ортиб бормоқда, — дейди **ЎЗХДП «Фаол аёллар» қаноти Қорақалпоғистон**

Республика бўлими етакчиси Санемхон Жумамуратов. — Буни ҳар бир соҳада аёллар муносиб ўрин топаётгани, юқори натижаларга эришаётгани мисолида кўриш мумкин. Қорақалпоғистон Республикаси бўйича партияимизга аъзо хотин-қизлар **11 минг нафардан ошгани, уларнинг нафақат ижтимоий-иқтисодий балки, сиёсий-ҳуқуқий билими ва фаоллиги юксалиб бораётганини кўрсатади.**

ЎЗХДПнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурига кўра, Нукус туманида «Бола тарбияси билан машғул аёлларни касаначиликка жалб этишга кўмак бериш» масаласи алоҳида белгилаб қўйилган. Мазкур вазифа ижроси бўйича яқинда «Фаол аёллар» қаноти томонидан «Ақмангит», «Қырантау» ва «Бақаншақ» маҳалла фуқаролар йиғинларида аёллар бандлиги таҳлилий ўрганилди.

Маълумотларга кўра, мазкур маҳаллаларда 24775 нафар аҳоли бўлиб, шундан 12765 нафари хотин-қизлардир. Меҳнатга қобилиятли аёлларнинг 211 нафари доимий иш ўрнига

эга эмас. Уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида шароит ва интилишга мос тарзда хотин-қизларнинг касаначилик билан шугулланиш имкониятлари ўрганиб чиқилди. Шу асосда ижтимоий ҳамкор ташкилотлар билан бирга муайян ишлар амалга оширилмоқда.

— Мамлакатимизда аёллар ўз иқтисоддорини рўёбга чиқариши учун етарли шароит яратилган, — дейди **Нукус туман хотин-қизлар қўмитаси мутахассиси Раушан Бегжанова.** — Улардан қай даражада фойдаланиш ўзимизга боғлиқ. Агар аёл ўзининг жамиятдаги ўрнини англасса, қобилиятини тўғри йўналтирса олса ҳаётини мамнун бўлиб яшайди. Шуниси қувонarliки, кейинги йилларда оила ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиб, тараққиётга муносиб ҳисса қўшаётган аёллар сафи кенгайиб бормоқда. Яқинда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда тумандаги корхоналар билан ҳамкорлик асосида 12 нафар хотин-қиз касаначилик фаолиятига жалб этилгани ҳам фикримизга бир мисол.

Тадбирда, шунингдек, хотин-қизлар манфаатини ҳимоя қилишга оид бошқа масалалар, уларни бартараф этиш йўллари атрофида таҳлил этилди. Хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий жараёнларда иштирокини янада кучайтириш бўйича «Фаол аёллар» қанотининг чора-тадбирлар режаси белгилаб олинди.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ,
Мнаҳатдин КУТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Мамлакатимиз тараққиётида хотин-қизлар фаоллиги тобора ошиб бормоқда. Қорақалпоғистон Республикаси бўйича партияимизга аъзо хотин-қизлар 11 минг нафардан ошгани, улар ҳар бир соҳада намуна кўрсатаётгани ҳам бунинг ёрқин мисолидир.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

«ЁШЛАР ОВОЗИ» ЯНГРАМОҚДА

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 20 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ АРАФАСИДА ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ МУАССИСЛИГИДА «ЁШЛАР ОВОЗИ» НОМЛИ ГАЗЕТА ЧОП ЭТИЛА БОШЛАНДИ.

Бундан кўзланган асосий мақсад институт талабаларини энг сўнги фан-техника янгиликларидан хабардор этиш, мамлакатимизда, жаҳонда содир бўлаётган воқеалар билан таништириб бориш. Шунингдек, ёшларнинг, фикрлаш қобилиятини янада ўстириш, улар учун эркин минбар яратиб бериш, уларда ўзаро баҳо-мунозарога киришиш маданиятини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

— Институт талабалари орасида илмга чанқоқ, янгиликлар яратишга иштиёқманг бўлган истеъдодли ёшлар кўпчилигини ташкил этади, — дейди **«Ёшлар овози» газетаси муҳаррири, таниқли журналист Баҳриддин Сатторов.** — Биз газетамиз саҳифаларида талабаларимиз олиб бораётган илмий изланишларни қўллаб-қувватлашга, устоз-шогирдлик аъноларини янада ривожлантиришга қаратилган мақолалар-

га кенг ўрин ажратамиз.

— Президентимиз томонидан биз ёшларнинг билим олиши учун барча шароитлар яратиб берилган, — дейди **Жиззах политехника институти, III курс талабаси Улугбек Султонов.** — Ҳарбий хизматни ўтаган йигитларга берилган имтиёздан фойдаланиб, ўқишга қабул қилинганман. Ҳозирги кунда институтимизда мод-техник базасини янада мустаҳкамлаш, ўқув биноларини замон талаблари даражасида реконструкция қилиш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу ислохотлар «Ёшлар овози» газетасида мунтазам ёритилапти.

Мазкур янги нашрда мавзулар долзарблигига изчил эътибор берилса, газета вилоятдаги бошқа олий ўқув юртилари талабаларининг ҳам сеvimли газетасига айланма қолади.

Темур АЪЗАМ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

КОНСТИТУЦИЯ — ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ

ЎЗБЕКISTON ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИДА БОШ ҚОМУСИМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ БАЙРАМ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Анжуманни институт ректори Бахтиёр Сайфуллаев кириш сўзи билан очиб, иштирокчиларни Конституцияимиз қабул қилинган кун билан табриклаб, унинг ўзига хос жиҳатлари, миллий қадриятларга асослангани, шунингдек, ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эгалиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан қаролатилганлиги ва бу тамойил амалда ўз ифодасини топаётгани тўғрисида тўхталди.

Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси Феруза Муҳиддинова Бош Қомусимиз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асоси экани, унда белгиланган ин-

сонпарвар гоялар ҳаётимизда изчил амалга оширилиб келинаётганини таъкидлади. Байрам тадбирида «Ягонасан — мустақил Ватан!» мавзусидаги эсселар кўрик-танловида ғолиб бўлган талабаларнинг ижод намуналари тақдими олиш ҳуқуқига эгалиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан қаролатилганлиги ва бу тамойил амалда ўз ифодасини топаётгани тўғрисида тўхталди.

Тадбир сўнгига талабалар ва таниқли санъаткорлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Шоира РАХМАТХҲАЕВА,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА ЎЗБЕКISTON МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ТОМОНИДАН «ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ» МАВЗУСИДА КОНФЕРЕНЦИЯ ЎТҚАЗИЛДИ.

— Юртимизда азал-азалдан ота-онанинг фарзанд олдидаги, фарзандларнинг ота-она олдидаги мажбуриятлари ибратли тарзда йўлга қўйилган, — дейди **ЎЗМУ ҳуқуқшунослик факультети давлат ва ҳуқуқ назарияси кафедраси мудири Ақидахон ДАДАШЕВА.** — Халқимизнинг ана шу олий қадриятлари Конституцияимизнинг 64-66-моддаларида акс этгани, унинг ҳаётийлигига ёрқин бир мисол.

Ўзбек миллий академик драма театрида эса умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртада «Президент асарларини ўрганамиз — 2012» Республика кўрик-танловининг якуний босқичи ўтказилди. Унда Президент асарлари асосида Конс-

титудияимизнинг мазмун-моҳиятини пухта ўрганиш, ҳуқуқий билимларини ошириш, юксак маънавий гояларни тарғиб этиш бўйича ўтказилган вилоят босқичларининг ғолиблари иштирок этди. Улар «Ўзбекистон — жонаҳон Ватаним!» мавзусида диҳтанг, ижодий баён, «Ўзбекистон келажиги баркамол авлод қўлида» мавзусида ишроҳамда «Ўзбекистон — ягона Ватан» мавзусида асфалтга расм чизиш номинациялари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди. Ғолиблар ҳамкор ташкилотлар томонидан «YURIDA» ҳуқуқий ахборот тизими ва «YURIDA-ORFO» дастурларини ўрнатилиш бўйича сертификатлар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Альбина ЖУМАНОВА

Молия муассасаларида

Реклама

БОШ МАҚСАД – МИЖОЗЛАР МАНФААТИ

«Агробанк» очик акциядорлик тижорат банкининг Наманган вилоят бошқармаси фаолияти ҳақида

«АГРОБАНК» ОАТБ НАМАНГАН ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ БАРЧА МИЖОЗЛАРИГА, ҲОҶ У ЖИСМОНИЙ ШАХС, ҲОҶ ЮРИДИК МАҚОМДАГИ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚОРХОНАСИ БЎЛСИН, ТЕЗКОР ВА СИФАТЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИБ КЕЛМОҚДА.



Бошқарма филиаллари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган ўн ойда барча молиялаш манбалари ҳисобидан 1327 та хўжалик субъектига 25 млрд. сўм миқдоридан қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ажратилди. Сармоялар эвазига 1851 та янги иш ўрни яратилди. Банк кредитлари қишлоқ хўжалиги, савдо, sanoat, маиший хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига ҳамда бошқа тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилди. Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 3,2 млрд. сўм миқдоридан микрокредитлар ажратилди. Натижада 425 нафар аҳоли бандлиги таъминланди. Бугунги кунда банк хизматларидан фойдаланган

ҳолда турли соҳада фаолият кўрсатаётган миждозларни қўллаб-қувватлаш мумкин. Улар банк молиявий кўмаги ҳамда хизматларидан мамнун. Чунончи бошқарманинг Тўрақўрғон филиали миждоз Маъсудахон Содиқова раҳбарлигидаги «Дилрабо СДА» кўп тармоқли савдо ишлаб чиқариш фирмасига иссиқхона бунёд этиши учун 188 млн. сўм миқдоридан узоқ муддатли кредит ажратилди. Бунинг натижасида тадбиркорнинг ишлари юришиб кетди. 22 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди. Шунингдек, Чортоқ филиали миждоз, хусусий тадбиркор Раҳима Бурхоновага ҳам иссиқхона қурилиши учун 5 млн. сўм миқдоридан банк кредитлари берилди. Таъкидлаш жоизки, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг уй-жой жи-

ҳозларига бўлган талабини қондириш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун истеъмоладан ипотeka кредитлари ажратиш ҳам банк эътиборидан четда қолган эмас. Хусусан, жорий йилда 151 та ёш оиллага жами 677,7 млн. сўм миқдоридан кредитлар ажратилди. Жумладан, бошқарманинг ҳудудий филиали миждоз Муҳаммадали Усмоновга Наманган шаҳрида қурилган кўп қаватли уйлардан бирини сотиб олиши учун 75,7 млн. сўм миқдоридан имтиёзли кредит ажратилди. — Ҳамма қулайликларга эга, ёруғ ва шинам хоналар бизга жуда ёқди. Бизга имтиёзли кредит ажратган «Агробанк» маъмуриятдан жуда миннатдоримиз.



2012 йилнинг ўтган даврида мамлакатимиз ички бозорини сифати ва арзон маҳсулотлар билан тўлдирish мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариши учун 6 млрд. сўм, ноозик-овқат истеъмоладан товарлари ишлаб чиқариши учун эса 4 млрд. сўм миқдоридан банк филиалларининг қисқа ва узоқ муддатли кредитлари йўналтирилди. **Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

Қорақалпоғистон Республикаси, «Turkistan realtor group» масъулияти чекланган жамияти томонидан 2013 йил 8 январь ва 8 февраль кунлари соат 12:00 да Нукус шаҳрида бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибидан очик аукцион савдосига яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер майдони савдога қўйилади.

Нукус тумани «Саманбай» ОФЙга тегишли «Қус ферма» қишлоқ элоти пунктидаги майдони 400 кв. м бўлган уй-жой қуриш учун ажратилган №1 ер участкаси. Бошлангич баҳоси 13 160 сўм.

Аукцион савдосига қатнашиш учун аризалар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9-00 дан 18-00 гача Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 129-А уй, Қорақалпоғистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси биноси, 1-қават, 1-хонада қабул қилинади. Талабдорлардан ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилиш вақтидан 1 кун олдин соат 18-00 да тўхтатилади. Талабдорлар закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолагандан сўнг объект бошлангич баҳосининг 100 фоиз миқдоридан «Turkistan realtor group» МЧЖ ОАЖ «Асака» банк филиали х/р: 20208000904946163001, МФО 00625, ИНН 302148414 рақамига тўлашлари шарт. Ишонч телефони: (8-361) 222-00-80. *Гувоҳнома №9533*

Қорхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2013 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарт билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошлангич нархи		Қурилиш муддати
		ҚҚСсиз	ҚҚС билан	
ЛОТ 1-6:				
Лот-1	Оқдарё тумани, Қоратери ҚФЙ Мевазор массивида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	90 159 167 сўм	108 191 000 сўм	6 ой
Лот-2	Оқдарё тумани, Қоратери ҚФЙ Қирқдархон массивида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	91 166 667 сўм	109 400 000 сўм	6 ой
Лот-3	Оқдарё тумани, Лойиш ШФЙ Наврўз маҳалласида сув тармоғи қурилиши.	154 274 167 сўм	185 129 000 сўм	6 ой
Лот-4	Булунғур тумани, Соҳибқор ҚФЙ Мингчинор массивида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	110 265 833 сўм	132 319 000 сўм	6 ой
Лот-5	Булунғур тумани, Килдон ҚФЙ Сарикипчоқ, Килдон қишлоқларида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	112 240 833 сўм	134 689 000 сўм	6 ой
Лот-6	Булунғур тумани, Янгиарик МФЙ Янгиобод қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	123 220 000 сўм	147 864 000 сўм	6 ой
ЛОТ 2-6:				
Лот-1	Булунғур тумани, Бешқувий МФЙ Бектуп қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	107 760 083 сўм	129 312 100 сўм	6 ой
Лот-2	Иштихон тумани, Қорақуйли ҚФЙ Қорақуйли массивида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	111 462 500 сўм	133 755 000 сўм	6 ой
Лот-3	Иштихон тумани, Зарбанд ҚФЙ Чумчуқли қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	112 661 167 сўм	135 193 400 сўм	6 ой
Лот-4	Иштихон тумани, Қўрли ҚФЙ Кулчара қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	105 048 333 сўм	126 058 000 сўм	6 ой
Лот-5	Иштихон тумани, Қўрли МФЙ Орлот қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	101 600 833 сўм	121 921 000 сўм	6 ой
Лот-6	Каттақўрғон тумани, Гирдиқўрғон ҚФЙ Абдал қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	110 435 000 сўм	132 522 000 сўм	6 ой
ЛОТ 3-6:				
Лот-1	Каттақўрғон тумани, Саройқўрғон ҚФЙ Баландровот қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	88 987 500 сўм	106 785 000 сўм	6 ой
Лот-2	Каттақўрғон тумани, Омонбой ҚФЙ Кумушкент қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	95 900 000 сўм	115 080 000 сўм	6 ой
Лот-3	Каттақўрғон тумани, Омонбой ҚФЙ Толлисой қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	116 700 833 сўм	140 041 000 сўм	6 ой
Лот-4	Каттақўрғон тумани, Омонбой ҚФЙ Қоракулча қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	109 425 000 сўм	131 310 000 сўм	6 ой
Лот-5	Каттақўрғон тумани, Каттақўрпа ҚФЙ Абулқосим қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	92 265 000 сўм	110 718 000 сўм	6 ой
Лот-6	Қўшработ тумани, Соҳибқор ҚФЙ Озод МФЙ, Қоракисмоқ қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	112 915 000 сўм	135 498 000 сўм	6 ой
ЛОТ 4-6:				
Лот-1	Қўшработ тумани, Урганжи ҚФЙ Янгиқишлоқ қишлоғида сув иншооти қурилиши.	130 052 500 сўм	156 063 000 сўм	6 ой
Лот-2	Қўшработ тумани, Пинчот ҚФЙ Куралас МФЙ, Юқори Куралас қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	105 993 333 сўм	127 192 000 сўм	6 ой
Лот-3	Қўшработ тумани, Юқорисарой МФЙ Жобутой қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	123 826 833 сўм	148 592 200 сўм	6 ой
Лот-4	Қўшработ тумани, Қўшработ ҚФЙ Шова қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	95 700 000 сўм	114 840 000 сўм	6 ой
Лот-5	Нуробод тумани, Нурбулоқ ҚФЙ Нурбулоқ массивида сув иншооти реконструкция қилиниши ва сув тармоғи қурилиши.	132 932 500 сўм	159 519 000 сўм	6 ой
Лот-6	Нуробод тумани, Жом ҚФЙ Жом МФЙда сув иншоотини реконструкция қилиш ва сув тармоғи қурилиши.	243 445 000 сўм	292 134 000 сўм	6 ой
ЛОТ 5-6:				
Лот-1	Нуробод тумани, Усанов МФЙ Саҳоб ота-Хаккар қишлоғида сув иншоотини реконструкция қилиш ва сув тармоғи қурилиши.	797 173 333 сўм	956 608 000 сўм	6 ой
Лот-2	Пайариқ тумани, Ғаллақор МФЙ Марказ, Ғаллақор қишлоқларида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	109 225 167 сўм	131 070 200 сўм	6 ой
Лот-3	Пайариқ тумани, Култусин МФЙ Курсафар қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	129 272 833 сўм	155 127 400 сўм	6 ой

Лот-4	Пастдарғом тумани, Димишкибола ҚФЙ Лозазор-2 массивида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	90 175 833 сўм	108 211 000 сўм	6 ой
Лот-5	Пастдарғом тумани, Бешқархон ҚФЙ Қаршиобод маҳалласида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	98 673 333 сўм	118 408 000 сўм	6 ой
Лот-6	Пастдарғом тумани, Санчиқул ҚФЙ Илм МФЙда сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	91 766 667 сўм	110 120 000 сўм	6 ой
ЛОТ 6-6:				
Лот-1	Пастдарғом тумани, Бешқархон ҚФЙ Уску МФЙда сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	92 276 667 сўм	110 732 000 сўм	6 ой
Лот-2	Пахтачи тумани, Зиёвуддин ШФЙ Амир Темур маҳалласида сув тармоғи қурилиши.	100 174 333 сўм	120 209 200 сўм	6 ой
Лот-3	Пахтачи тумани, Зиёвуддин ШФЙ Мирзо Улуғбек маҳалласида сув тармоғи қурилиши.	108 345 250 сўм	130 014 300 сўм	6 ой
Лот-4	Пахтачи тумани, Мисит ҚФЙ Хайит Элбеги ва Сулув қишлоқларида сув тармоғини реконструкция қилиш.	118 918 333 сўм	142 702 000 сўм	6 ой
Лот-5	Самарқанд тумани, Улуғбек ҚФЙ Янгиарик массивида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	126 844 167 сўм	152 213 000 сўм	6 ой
Лот-6	Самарқанд тумани, Даштакиболо ҚФЙ Гулобод МФЙда сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	116 329 167 сўм	139 595 000 сўм	6 ой
ЛОТ 7-6:				
Лот-1	Самарқанд тумани, Кулбаилов ҚФЙ Андижон маҳалласида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	122 993 333 сўм	147 592 000 сўм	6 ой
Лот-2	Самарқанд тумани, Қайнама ҚФЙ Миришкор маҳалласида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	126 844 500 сўм	152 213 400 сўм	6 ой
Лот-3	Самарқанд тумани, Қайнама ҚФЙ Навбоғ маҳалласида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	122 993 333 сўм	147 592 000 сўм	6 ой
Лот-4	Самарқанд тумани, Кулбаилов ҚФЙ Жағнобод маҳалласида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	122 993 333 сўм	147 592 000 сўм	6 ой
Лот-5	Самарқанд тумани, Каттақўрғонариқ ҚФЙ Қуйчордара маҳалласида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	126 844 500 сўм	152 213 400 сўм	6 ой
Лот-6	Тайлоқ тумани, Маданият ҚФЙ Маданият массивида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	122 993 333 сўм	147 592 000 сўм	6 ой
ЛОТ 8-6:				
Лот-1	Тайлоқ тумани, Гулба ҚФЙ Жалоир қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	122 993 333 сўм	147 592 000 сўм	6 ой
Лот-2	Ургут тумани, Мирзақишлоқ ҚФЙ Камонгарон массивида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	235 463 333 сўм	282 556 000 сўм	6 ой
Лот-3	Ургут тумани, Ўрта Ваткан қишлоғида сув тармоғи қурилиши.	120 576 250 сўм	144 691 500 сўм	6 ой
Лот-4	Ургут тумани, Мўминобод-2 қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	105 862 500 сўм	127 035 000 сўм	6 ой
Лот-5	Ургут тумани, Ўрамас ҚФЙ Дўнг қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	100 355 833 сўм	120 427 000 сўм	6 ой
Лот-6	Ургут тумани, Қизилбош қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши.	101 093 333 сўм	121 312 000 сўм	6 ой

Қурилиш ишлари Республика бюджетни маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси. **Манзили:** Самарқанд шаҳри, Кўсарой майdonи, 1-уй. **Телефон:** (8366) 231-10-93.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизimini мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан 500 млн. сўмгача қийматда бўлган объектлар буйича пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган қорхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридан айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки қўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, қўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юза-

суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил буйича мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўсарой майdonи, корпус-2Д, 403-хона. Тел. 231-13-51, факс. 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кунини ва соатига.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри, Кўсарой майdonи, Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси биносидан соат 10-00 да** ўтказилади.

Эълон



«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»

акциядорлик компанияси тизимидаги

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали жамоаси

халқимизни мамлакатимиз

Конституцияси

*қабул қилинганлигининг 20 йиллиги
байрами билан қутлайди!*



Юртимиз
ТИНЧ,
ОСМОНИМИЗ
мусаффо
бўлсин!



«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК



Қўқон МИНТАҚАВИЙ ТЕМИР ЙЎЛ УЗЕЛИ

жамоаси

мамлакатимиз фуқароларини

Конституция
куни муносабати билан
муборакбод этади!



Sino

барча
юртдошларимизни
Ватанимиз
Конституциясининг
20 йиллиги
билан
табриклайди.



**Байрамингиз муборак,
азиз дўстлар!**

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Murodulla ABDULLAYEV	Muslihiddin
Latif G'ULOMOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	MUHIDDINOV
Bobir ALIMOV	Tat'yana KISTANOVA	Ochilboy RAMATOV
Sharbat ABDULLAYEVA	(Bosh muharrir o'rinbosari)	Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-09-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatandorlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 3 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1246

9458

nusxada bosildi.

Sotuvda erkin narxda

Nashr ko'rstichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni — 22.05

Topshirilgan vaqti — 23.50

Navbatchi:

Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7433



1 2 3 4 5